O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY TEZKOR FALAGIM
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
12 SENTABR
PAYSHANBA
№ 116 (26.975)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ТОШКЕНТДА КАТТА ТЕННИС БАЙРАМИ

10 сентябрь куни Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида Президент Кубоги халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.





Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги халқаро теннис турнири бошланди. Шу муносабат билан нафақат пойтахтимиз, балки бутун мамлакатимиз катта теннис шукуҳи билан яшамоқда.

Бир неча йилдан буён зўр муваффақият билан ўтказиб келинаётган мазкур мусобақанинг дунё спортидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда. Буни турнирда қатнашиш учун Тошкентга дунё теннисининг кўплаб юлдузлари ташриф буюрганидан ҳам билса бўлади. Улар орасида Марат Сафин, Евгений Кафельников, Марк Россе каби машҳур теннис усталари бор. Шунингдек, Томми Ҳаас, Дэвид Сангунетти, Кеннет Карлсон, Райнер Шуттлер, Осиё қитъасининг энг номдор теннисчиси Парадорн Сричапан ва бошқалар Президент Кубогини қўлга киритишга бел боғлаган.

— Шу кунларда Тошкентда катта спорт байрами, — деди давлатимиз раҳбари. — Мамлакатимизга Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги турнири қатнашчилари ташриф буюрди.

Мазкур турнир қисқа вақт ичида катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. У сайёрамизнинг турли мамлакатларидаги минглаб спортчиларга Тошкент билан танишиш, айтиш мумкинки, унга меҳр қўйиш имконини берди, деб таъкидлади Президент.

Дунёдаги миллионлаб теннис мухлислари эса матбуот ва телевидение орқали Ўзбекистон билан яқиндан танишмоқда.

Энг муҳим ва аҳамиятли жиҳати — Президент Кубоги турнири катта теннисни мамлакатимизда оммалаштиришдек буюк ишни амалга оширди.

Бугунги кунда ушбу гўзал ва ажойиб спорт тури билан катта-ю кичик миллионлаб ҳамюртларимиз шуғулланмоқда. Бугун Тошкент дунёнинг профессионал теннис бўйича мусобақалар ўтказилаётган кўплаб пойтахтлари ва шаҳарлари қаторидан ҳақли равишда муносиб ўрин эгаллади.

Тошкент турнирига кетма-кет уч бора «Ай-Ти-Пи»нинг «Юксак нуфузи учун» мукофоти топширилиши бежиз эмас.

Мусобақанинг барча иштирокчиларини — эски қадрдонларимизни ҳамда ушбу турнирда илк бор иштирок этаётган спортчиларни қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари. Биз бутун дунёга машҳур спортчилар — ажойиб теннис усталарини муборакбод этамиз.

Президентимиз Сассон Какшури раҳбарлигидаги турнир ташкилотчилари, ҳакамлар ҳайъати ҳамда супервайзери Томас Карлбергни ҳам муборакбод этар экан, уларга мазкур нуфузли мусабақаларни юксак савияда ташкил этаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Томошабинлар ва бутун Тошкент аҳлига самимияти, очиқ чеҳраси, меҳмондўстлиги ва мусобақа иштирокчиларини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик изҳор этди.

Шундан сўнг Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги тўққизинчи халқаро турнирини очиқ деб эълон қилди.

Шу куни кортда швейцарияликлар Марк Россе ва германиялик Томми Ҳаас ўзаро беллашди.

Шундай қилиб, Тошкентда катта теннис байрами бошланди. Бир неча кун давомида пойтахт аҳли ва меҳмонлари, қолаверса, телевидение ва матбуот орқали бутун дунёдаги теннис ихлосмандлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги турниридаги шиддатли ва муросасиз спорт беллашувларига гувоҳ бўлади.

■ (ЎзА)

✧✧✧

Суратларда: турнир очилиши маросимидан лавҳалар.

А.ТЎРАЕВ, М.АМИН ва А. РИСҚИЕВ олган суратлар.

ХОТИРЛАШ МАРОСИМИ

11 сентябрь фожиаларига бир йил тўлди. Бир йил муқаддам террорчилар АҚШнинг Нью-Йорк ҳамда Вашингтон шаҳарларида даҳшатли портлашларни амалга оширган ва бу хунрезлик бир неча минг бегуноҳ инсоннинг ёстиғини қуритган эди.

Бир йил аввал содир этилган ваҳшийликлар натижасида қурбон бўлганларни хотирлаш, инсониятни хушёрликка даъват этиш мақсадида дунёнинг кўплаб мамлакатларида хотирлаш маросимлари бўлиб ўтмоқда. 11 сентябрь куни мамлакатимиз пойтахтида ҳам ўша машъум воқеалар қурбонларини хотирлашга бағишланган кеча ўтказилди. АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкиллаштирилган тадбирда мамлакатимиз ҳукумати аъзолари, дипломатик корпус вакиллари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирни АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст очди.

— Дунёнинг тўқсондан ортиқ мамлакатидан келган уч мингдан зиёд одамнинг умрига зомин бўлган бу хунрезлик экстремистлар томонидан амалга оширилган ва улар ўз олдига бизнинг мамлакатимизни, бизнинг турмуш тарзимизни йўқ қилиш ниятида эди, — деди жумладан элчи. — Бироқ бу билан террорчилар ўз оёғига болта урди. Негаки, биз ҳам ёвузликка қарши астойдил курашга тушдик ва террорчилар қаерга яширинмасин, уларни таъқиб қилишни давом эттираверамиз.

Маросимда Ўзбекистон АҚШнинг халқаро террорчиликка қарши бошлаган курашини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлагани ва мамлакатимизнинг бу дадил қадами халқаро ҳамжамият томонидан миннатдорлик билан қарши олингани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов сўзга чиқди.

■ (ЎзА)

АНЖУМАН

ИНСОНИЯТ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ

Америкада содир этилган терроризм фожиасига ҳам мана бир йил бўлди. Шу орада эса бутун инсоният аҳли терроризм балосига қарши оёққа турди. Бу хавф унинг ҳаётига ҳаммадан ҳам кўпроқ хавф солиб турганлигини тушунди. Қўлни-қўлга бериб жипслашди. Тараққиётга қарши қаратилган бу жаҳолатга уруш эълон қилинди. Шуниси қувончлики, ушбу ҳаракат иштирокчилари орасида Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни ва нуфузи бор. Ўзбекистон ёвузликка қарши биринчилардан бўлиб оёққа турди. Бу унинг халқаро обрўсини янада оширди.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда Тошкент давлат маданият институти раҳбарияти томонидан уюштирилган «Терроризм — тараққиёт душмани» номли маънавий-маърифий анжуманда ана шулар ҳақида гап борди. Маърузачилар дунёнинг турли бурчакларида террористлар қўли билан қилинган ва қилинаётган ваҳшийликлар ҳамда вайронагарчиликлар ҳақида йиғилганларга сўзлаб беришди. Анжуманда ҳар бир киши ўз уйини ўзи асраши учун, аввало, огоҳ бўлиши лозимлиги бот-бот такрорланди.

Йиғилиш расмиятчилик ва насиҳатбозликдан холи ўтди. Маърузабозлик ҳам бўлмади. Савол-жавоб, мунозара, фикр талашув анжуман «мана ишлаяпмиз» дейиш ёки баённома тўлдириш учун бўлмаганлигини исботлаб турди.

■ Ўз мухбиримиз

ИЗЛАНИШ

«Фотон» корхонаси очиқ акционерлик жамиятига айлантирилгандан сўнг маҳсулот тури кўпайиб, ишлаб чиқариш суръати ошди. Ҳозирги кунда бу ерда рақобатбардош, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар тайёрланмоқда. Жумладан, 2001 йилда режага нисбатан 104,8 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойлари давомидаёқ бу кўрсаткич 112, 6 фоизга етди.

Корхона ишлаб чиқараётган назорат кассаси машиналари, ярим ўтказгич асбоблар, қувватни тежовчи лампалар, FT русумли оқ-қора ва рангли телевизорлар харидоргирлиги билан ажралиб туради. Лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун тайёрланаётган техник ўқув қўлланмалар ҳам мижозлар диққат-эътиборида.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги тармоқларига, хусусан, энергетика, транспорт, тиббиёт соҳалари учун тайёр маҳсулотлар етказиб бериш — корхонанинг асосий йўналишларидан бири.

Корхонада мавжуд илмий-техник имкониятлардан тўлиқ фойдаланилиб, бозорни янги маҳсулотлар билан тўлдириш ва уларни хорижга экспорт қилиш йўлидаги изланишлар давом этаяпти. Масалан, рангли телевизорларнинг янги авлоди учун эҳтиёт қисмлари жамланиб, улар хориждан келтирилаётган маҳсулотларга нисбатан 40 фоиз арзон нархларда ишлаб чиқарилмоқда. Италия, Германия, Швейцария технологиялари асосида тайёрланаётган бундай маҳсулотлар юқори сифатлилиги билан ажралиб туради. Шу кунларда Италиянинг «Marsilli» автоматик базасига мослашган мониторлар ва янги турдаги рангли телевизорлар учун трансформаторлар тайёрлашга киришилди.

Корхонанинг Россия ва Украинадаги «Савдо уйлари» фаолияти, айниқса, диққатга сазовор. Хорижликлар бу борада «Интернет» сайтларига мурожаат қилиб, корхона маҳсулотларига бемалол буюртма бериш имконига эгалар. Яна бир муҳим жиҳати — айни шу мақсадда чиқарилган акциялар ҳукумат қарорига биноан республика валюта биржасининг тендер савдосида эркин муомаладаги валюта айирбошлаш шаҳобчалари орқали амалга оширилади.

■ Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

ҒОЛИБНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ ҚИЙИН



Томас Юхансон — Швеция

Дунёда АТП туркумига кирувчи йирик мусобақалар талайгина. Ана шундай халқаро турнирлардан учтаси шу кунларда Тошкент, Сан-Салвадор, Бухарест шаҳарларида бўлиб ўтмоқда. Улар орасида Юнусободдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуининг теннис кортларида давом этаётган мукофот жамғармаси 550000 АҚШ долларини ташкил қилувчи «Президент кубоги» халқаро турнири алоҳида аҳамият касб этади. Агар бир вақтда ташкиллаштирилаётган ушбу уч мусобақа қатнашчилари рўйхатига кўз югуртирсангиз, дунёнинг кўплаб теннис юлдузлари Тошкентга ташриф буюрганини кўрасиз.

«Президент кубоги — 2002»да Марат Сафин, Евгений Кафельников, Николас Кифер, Давид Сангуинетти, Марк Россе, Томми Ҳаас сингари теннис юлдузларининг қатнашаётганлиги турнир нуфузини янада оширди.

Баҳслар эса кутилган ва кутилмаган натижаларга бой ўтмоқда. Турнир иштирокчиси «Президент кубоги — 1999» ғолиби Николас Кифер (Германия)нинг илк учрашувдаёқ мағлубиятга учрашини ҳеч ким ўйламаганди. Аммо у жароҳати сабабли даниялик Кеннет Карлсон билан кечган биринчи давра баҳсини охирига етказа олмади — 2/5.

Илк босқичда Сидней олимпиадаси чемпиони Евгений Кафельников ҳамда германиялик Александр Васкелар учрашувида ҳам шов-шувли натижа қайд этилишига бир баҳя қолди. Дастлабки сетда имкониятни бой берган (6/7) россиялик теннис юлдузи кейинги икки партияни катта қийинчилик билан ўз фойдасига ҳал қилди — 7/6, 7/6. Учрашувдан сўнг, Евгений Кафельников журналистларга берган интервьюсида Тошкентга фақат ягона мақсад — «Президент кубоги»ни қўлга киритиш учун ташриф буюрганлигини яширмади. Қолаверса, халқаро турнирнинг тантанали очилиш маросимида республикамиз Президенти Ислом Каримов ҳам Женянинг ўтган йилги мусобақа финалида берган ваъдасини яна бир бор тилга олиб ўтди.

(Давоми 4-бетда)



Николай Давиденко — Россия

«МАНФААТ»НИ БИРГА ИЗЛАНГ

Тадбиркорликдан мақсад — манфаат кўриш. Бироқ бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Қарши шаҳрида иш бошлаган ижтимоий-иқтисодий жамият «Манфаат» деб аталади. Жамият ўз олдига кичик ва ўрта бизнес билан машғул кишиларга кредит олиш, маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш, ҳуқуқий ҳимоя ва бошқа соҳаларда ёрдамлашишни мақсад қилиб қўйган.

Яқинда бу ёрдамдан тадбиркор Шаҳриёр Жумаев бахраманд бўлди. Унинг буюртмаси билан музқаймоқ учун вафелли стаканчалар тайёрлаш юзасидан лойиҳа тайёрланди. Ҳисоб-китоб битгач, «Асака банк»идан 3,5 миллион сўм кредит олишга кўмаклашилди. Жамият бошқа тадбиркорларга ҳам биргаликда манфаат кўриб ишлашни таклиф қилмоқда.

■ Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ: АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

МОЗИЙ САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори, тарих фанлари доктори Дилором АЛИМОВА билан ЎзА мухбири суҳбати

— Дилором Аъзамовна, Президентимиз Ислом Каримов 31 август куни Қатағон қурбонлари хотираси музейини кўздан кечириш чоғида мустамлакачилик йилларида халқимиз бошидан ўтган даҳшатли синовлар, қатлу қатағонлар хусусида тўхталиб, ҳар бир жараённинг сабаб-оқибатлари тўлиқ очиб берилгандагина унинг асл моҳиятини тушуниш мумкинлигини алоҳида таъкидлади...

— Албатта, бу бежиз эмас. Юртбошимиз ана шу воқеаларнинг илдизларини тарихнинг қадимий даврларидан излаш лозимлигини қайд этди. Мозийдан маълумки, бош ғояси мустақиллик учун кураш ва ҳамжиҳатликка, миллат, халқ аҳиллигига интилишдан иборат бўлгани туфайли ўз даврида буюк бобокалонимиз Амир Темур она заминимизда қудратли давлатчилик тизимини вужудга келтиришга муваффақ бўлганди.

Лекин XVI асрдан бошлаб ана шу улкан салтанатнинг хонликларга парчаланиб кетиши, охири кўринмайдиган ўзаро адоват ва қонли урушлар, хону амирлар ўртасидаги тожу тахт учун курашлар оқибатида Амир Темур асос солган кучли давлат таназзулга юз тутди. Натижада қачонлардир куч-қудрати, бойлиги, илм-маърифати ва маданияти билан дунё назарига тушган буюк салтанатга путур етди. Унга нисбатан чор-атрофдаги кучли давлатларнинг кўз олайтира бошлаши учун шароит пайдо бўлди.

Шу ўринда ўлкамиз ўзининг беҳисоб табиий бойликлари, ҳосилдор замини, гўзал табиати, қулай минтақада, қадимий савдо йўллари бўйида жойлашганлиги билан азалдан узоқ-яқин давлатларнинг эътиборини ўзига тортиб келганини алоҳида эслатиш лозим. Искандар Зулқарнайн босқини, мўғуллар ва араблар истилоси, Чор Россияси, сўнгра советлар мустамлакачилиги ҳам аслида ана шу ҳасадли хуружларнинг натижаси бўлган.

Пётр I нинг Бухоро ва Хива хонликларини назар-писанд қилмаслиги, уларга дипломатик тазйиқ ўтказиб, ўз ҳукмига бўйсундиришга урина бошлаганига ҳам аслида маълум даражада хонликлардаги ички талотўплар, сиёсий инқироз сабаб бўлган эди.

Айниқса, 1711 йили Россия Азов денгизини бой бериб, Туркия султони билан сулҳ тузишга мажбур бўлгач, яна Ўрта Осиёга кўз тика бошлайди. Пётр I босқинчилик режаларини амалга ошириш учун ҳарбий экспедициялар ташкил этишга киришади. Жумладан, 1717 йилдаёқ Хива хонлигини забт этиш мақсадида Бекович-Черкасский раҳбарлигида уч минг кишилик ҳарбий экспедиция жўнатади. Хива хони Шерғозихоннинг юрт мустақиллигини сақлаб қолиш йўлидаги қатъий саъй-ҳаракатлари билан ана шу ҳарбий гуруҳ тор-мор этилади ва Хоразм босқини 100 йил ортга сурилади.

Айни чоғда, Ўрта Осиёни босиб олиш борасида Россия билан бошқа давлатлар, хусусан Англия ўртасида рақобат кучайиб борарди. Чунки Ўрта Осиёни истило этган давлат бу ҳудудлар оша Афғонистон ва Ҳиндистон орқали Ҳинд океанига чиқиш имконига эга бўларди. Шу боис, Чор Россияси Англиянинг Ўрта Осиё сарҳадларига яқинлашиб келаётганидан ниҳоятда хавотирга тушади ва минтақани тезроқ забт этиш ҳаракатларини кўра бошлайди.

1863 йили ёзда полковник Черняев Сирдарё ёқасидаги Сўзоқ қалъасини қўлга киритади ва уни атроф-тевараддаги аҳолиси билан бирга Россиянинг мулки деб эълон қилади. Черняев билан изма-из Перовский қўрғонидан чиққан полковник Верёвкин отряди 12 июнда ўлкамизга кираверишдаги дастлабки шаҳар — Туркистонни босиб олади.

(Давоми 3-бетда)

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ОРОЛ ҲУДУДИДА ЧУЧУК СУВ МАНБАИ

ЁКИ «СУДОЧЬЕ» КЎЛИГА ОБИҲАЁТ ТЎПЛАШ БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ

Тобора қуриб бораётган Орол атрофида чучук сув манбаи борлиги ҳақида газетамизда илгари хабар берган эдик. Махаллий халқ «суви душши (душши — қорақалпоқчада «чуччи», «чучук») деб атаган бу обиҳаёт жойи атрофида бир замонлар ҳаёт қайнаган. Оролу Мўйноқнинг қибла томони — Устюрт текислиги (платоси)нинг шарқида, Кўнғирот ортида жойлашган бу кўл 50-йилларда майдони 40 минг гектарни ташкил этган. Фақат дарё сувининг оз ёки кўплигига қараб кўл денгизга гоҳ қўшилиб, гоҳ айрилиб турган. Бора-бора у тўртга бўлинган. Кейинчалик «Катта Судочье» («Суви душши» русча талаффузда «Судочье» бўлиб кетган) «Бегдулла ойдин», «Қоратеранг» ва «Оққушпа» кўллари юзага келган. Ҳозир «Катта Судочье»ни сақлаб қолиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда ва қўлга киритилган ютуқлар ҳам чакки эмас. Қолган учтасига ҳаёт бахш этиш умид нишонига айланган, холос.

Чучук сув манбаининг бой берилиши нафақат Марказий Осиё, ҳатто халқаро экология жонкуярларини ҳам ташвишга солиши табиий эди. Шунинг учун ҳам давлатимиз қандай бўлмасин Мўйноқ атрофида табиий ҳолатни қайта тиклаш, чучук сув манбаини обиҳаётга тўлдириш ишларига алоҳида аҳамият берди. Кўлни қайта тиклашда голландиялик сув муҳандиси, «Ресурс Анализис» фирмасининг раҳбари Юпде Скуттернинг хизматлари катта. У кўлнинг қайта тикланиши халқаро аҳамият касб этишини чуқур англаб, жаҳон банки орқали маблағ олишга катта ҳисса қўшди. Бултур кўлни қайта тиклаш йўлида дастлабки амалий ишларни олиб бориш халқаро тендер мусобақасида ғолиб чиққан хитойлик мутахассисларга топширилди. Улар шартнома асосида асосий қурилиш-монтаж, дамба ва йўл қурилиш ишларини Худойберган Ақназаров раислик қилаётган «Сув қурилиш» акциядорлик жамиятининг муҳандис-мутахассислари ва қурувчилари амалга оширдилар. Шунингдек, «Қорақалпоқтранс» акциядорлик уюшмаси корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ҳам бу ишда фаол қатнашдилар. Мукаммал лойиҳани амалга оширишда қурилиш ишлари гуруҳининг раиси, бош менеджер Пен Кун, унинг ўринбосари Чен Пин ва бошқалар фидойилик кўрсатдилар.

— Ана шундай хайрли ишлардан кейин «Судочье» кўлини тиклаш бўйича олиб борилган ишларнинг биринчи навбати Мустақиллик байрами арафасида ниҳоясига етди ва кўлга сув оқа бошлади, — дейди кўлни тиклаш лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи раҳбари, иқтисод фанлари номзоди Оспан Каримсоқов. — «Ботқоқ табиатли, серсув «Судочье» кўлини тиклаш» лойиҳаси аслида «Орол денгизи ҳудудидаги сув ресурслари ва табиатни бошқариш» лойиҳаси таркибига киради. Мақсад «Судочье»да чучук сув тўплаш билан бирга шу атрофда биологик табиатни барқарорлаштириш ва маҳаллий аҳоли учун янги, қўшимча моддий маблағлар манбаини излашдан иборат. Лойиҳани рўёбга чиқариш 1998 йилнинг октябрь ойидан бошланганди. Бунинг учун жами 3880 минг АҚШ доллари ҳисобида маблағ сарфлаш кўзда тутилди. Сармоянинг 55 фоизи GEF гранти билан таъминланса, 42 фоизини Голландия ҳукумати етказиб бериши кўзда тутилган. 3 фоиз маблағ Ўзбекистон тарафидан киритилади. Кўлга сув қуйиш ишлари Сусили, Раушан каналлари орқали амалга оширилади. Каналларда сувнинг оқими секундига 55 кубгача етиши мўлжалга олинган. Бунга эришишда хитойликлар қурган дамбалар жуда-жуда асқотади. Хусусан, Аккум дамбасининг фойдаланишга топширилиши 31 августга тўғри келиши Мустақиллигимизнинг 11 йиллигига муносиб туҳфа бўлди.

Биз бундан буён кўлни обиҳаётга тўлдириш билан боғлиқ турли ўзгаришларни кузатиб боришга, хусусан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни тобора яхшиланишига аҳамият беравермиз.

Ўйлайманки, кўлнинг сувга тўлиши билан атрофдаги табиий муҳит яшнаб, аҳолининг яшаши учун шароит яхшиланади ва янги-янги иш ўринлари юзага келади. Ниятқиламизки, Раушан, Саранча, Машъановул, Дўстлик, Қоражар, Шагирлик, Учсой аҳоли манзилгоҳларида ўзгача муҳит, ўзгача шароит юзага келади. Тўғриси, дарёларда сув кўпайган кезлари кўлга 900,0 миллион, сув сатҳи ўртача бўлган пайтларда 600,0 миллион ёки сув танқис ҳолатларда эса камида 300,0 миллион куб метргача сув оқиши мўлжалга олинган. 1 сентябрь ҳолатида «Судочье» кўлига 150 миллион куб метр сув қўйилди. Ҳозирча бу сув манбаининг 15 фоизини ташкил этади, холос. Бир сўз билан айтганда, қуриб бораётган Орол атрофида янги чучук сув манбаининг юзага келиши — бу ердаги қийин экологик муҳитнинг яхшиланишига катта ҳисса қўшади.

■ Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ТАДБИРКОРГА ТАЯНЧ БЎЛАЯПТИ



«Халқ банки»нинг Зарбдор туман бўлимида кичик ва ўрта тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга кредитлар ажратиш бўйича яхшигина тажриба тўпланган.

— Ишлаб чиқариш билан шуғулланиш мақсадида банкдан 2 миллион сўм кредит олган эдим, — дейди тадбиркор Олим Зойиров. — Вақтида берилган шу кредит ёрдамида қисқа вақт ичида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга эришдим. Айни пайтда 10 дан зиёд иш ўринлари яратиб, оймаой фойда олаяпмиз. Насиб этса, фойда ҳисобига ишлаб чиқаришни янаям кенгайтирамиз.

Банкдан кредит олиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ва эвазига даромад олаётган тадбиркор Неъмат Жуманазаров ҳам ўзи сингари кичик бизнес ходимларига таянч бўлаётган банкнинг кўмагидан миннатдор эканлигини билдирди.

Ўтган ярим йилда банк кичик ва ўрта тадбиркорларга жами 47 миллион сўмдан кўпроқ кредит ажратди. Олинган ана шу кредитлар эвазига 108 та янги иш ўринлари яратилди. Бугунги кунда кредит олган тадбиркорларнинг ишлари юришиб, даромадлари кўпаймоқда.

✧ ✧ ✧

Суратларда: банк ходими Толмас Очилов тадбиркор билан; хазиначи Гулрухсор Қўшназарова мижозга хизмат кўрсатаётир; ҳисобчи Фарҳод Тоғаев фермерларга маслаҳатчи.



■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон ХДП Улуғнор туман кенгаши ҳузурида ташкил этилган «Сиёсат» клубининг мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб ўтказилган машғулоти «Оқтом» қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Унда мазкур туман партия кенгаши биринчи котиби Ж.Исмонова, «Ўзбекистон мустақиллик йилларида» мавзуида, маъруза қилди. Йиғилишда тингловчиларга ўтган давр мобайнида республикамизда амалга оширилган тарихий ишлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Партия Косонсой туман кенгаши «Зиёлилар» ҳудудий бошланғич партия ташкилотининг таклифини қўллаб-қувватлаб, тумандаги 19-сон мактабда уч авлод учрашувини ўтказишни ўз зиммасига олди. Унда, ушбу мактабни 30 йил илгари тамомлаб кетган собиқ ўқувчилар билан бирга, кўп йиллар самарали меҳнат қилган устозлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, партия фаоллари иштирок этдилар. Тадбир иштирокчилари дийдор айёмининг улуғ байрам арафасида нишонланаётганлигидан янада мамнун бўлдилар.

ХДП Жалақудуқ туман кенгаши, туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда, «Миллий истиқлол мафкураси ва ёшлар» мавзуида, «давра суҳбати»ни ўтказди. Унда тумандаги мактабларнинг «Маънавият ва маърифат» марказлари, жойлардаги «Истиқбол» ёшлар клублари раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари котиблари қатнашдилар. Суҳбат давомида мазкур туман партия кенгашининг биринчи котиби О.Юсупов сўзга чиқиб, миллий истиқлол мафкурасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, мустақиллик даврида эришилган маънавий ютуқлар тўғрисида маъруза қилди.

Пскент туман партия кенгаши байрам муносабати билан, Мўминобод, Янгиобод, Навоий номли маҳаллалар фаоллари иштирокида, «Тараққиётимизнинг янги босқичи» мавзуида, маданий-маърифий тадбир уюштирди. Тадбир якунида мазкур партия кенгаши номидан ушбу маҳаллаларда истиқомат қилувчи 32 нафар кўп фарзандли оилаларга байрам совғалари топширилди.

Оққўрғон туман партия кенгаши «Конка» ширкат хўжалигида истиқомат қилаётган отахон ва онахонларни «Мустаққиллик — буюк неъмат» деб номланган, байрам тадбирига таклиф этди. Тадбирда сўзга чиққан туман партия кенгаши биринчи котиби М.Турдибоева, мазкур хўжалик раиси А.Бўриқулов, «Нуроний» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлинмалари раислари Б. Юсупов, Д.Хаитова, М.Оқкуловалар ҳамда туман меҳнат бўлими бошлиғи О.Мустафоев ва бошқалар Қарияларни қадрлаш йилида туманда олиб борилаётган амалий ишлар тўғрисида сўз юритдилар. Тадбир якунида бир гуруҳ кексаларга фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди, «Наврўзи ажам» гуруҳи иштирокида концерт намойиш этилди.

ХДП Андижон шаҳар кенгаши 162-қурилиш бошқармаси ишчи ва хизматчилари ўртасида ўтказган, «Мустақиллик масъулияти» мавзуидаги, учрашувда миллий истиқлолимизнинг моҳияти, жамиятимизнинг маънавий янгиланиши масалалари кенг ўрин эгаллади. Байрамона дастурхон атрофида ўтган ушбу тадбирга узоқ йиллар корхонада ишлаб, ҳозирги вақтда қарилик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари таклиф этилдилар. Бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан фахрийларга ҳамда 10 нафар кам таъминланган оилаларга совғалар улашилди.

ХДП Тўрақўрғон туман кенгаши «Истиқлолим — истиқболим» мавзуидаги кўрик-танловни ташкил этди. Унда тумандаги маданият бўлими, «Чуст-кўприк», «Сайрам» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда «Наврўз» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилотларининг аъзолари ўзаро беллашдилар. Танлов ғолибларига туман партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

ХДП Данғара туман кенгаши Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган кунда туғилган 15 нафар болаларни ширинликлар дастурхонига таклиф этди. Уларни туман партия кенгаши аъзолари, ота-оналар муборакбод этдилар.

Байрам арафасида **ХДП Асака шаҳар кенгаши ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси** «Улуғбек» маҳалла фуқаролар йиғинида, «Қайнонам — онам менинг, келиним — болам менинг» мавзуида, маданий-маърифий тадбир уюштирдилар.

ХДП Урганч шаҳар кенгаши, Мустақилликнинг 11 йиллиги ва Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб, шоҳмотшашка бўйича фахрийлар турнирини ўтказишда бош-қош бўлди. Турнирда ғолибликни қўлга киритган партия фаоллари — «Хоразм ҳақиқати» газетаси мухбири Қ.Полвонов, меҳнат фахрийси О.Отамуродов ва Урганч давлат университети ўқитувчиси И.Жуманиёзовларга ушбу мусобақаларга ҳомийлик қилган Хоразм вилоят электр тармоқлари корхонаси, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва совғалари топширилди.

Партия Андижон туман кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий харакати туман бўлими ҳамда қатор бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида, байрам тантаналарига атаб, футбол бўйича 11 ёшлилар ўртасида маҳаллаларараро мусобақалар ўтказилди. Беллашувда «Ёрбоши» қишлоқ фуқаролар йиғини футбол командаси мусобақа ташкилотчиларининг совғаларига эга бўлди.

АЙЁМНИ УЛУҒЛАБ

Ўзбекистон ХДП Сирғали туман кенгаши ҳамда туман ҳокимияти ҳамкорликда «Қонун, мафкура ва маънавият истиқлол даврида» мавзусида тадбир ўтказди.

Тадбирда юздан ортиқ ҳурматга сазовор меҳнат ва партия фахрийлари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари ва аъзолари иштирок этишди.

Тантанада сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Сирғали туман кенгаши биринчи котибаси Лола Исматова қатнашчиларни табриклаб, тадбир моҳияти ҳақида фикр юритди.

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқа театри актёрлари ҳамда хонандалар томонидан мумтоз қўшиқлар янгради.

■ Ш.ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон ХДП Сирғали туман кенгаши котиби

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ!

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Байналмилал маданият маркази ва Сирдарё вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда Гулистон шаҳрида «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзусида семинар ўтказди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг жадал бориши, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик ҳақида гапирдилар. Улар ҳамжиҳатликда яшаётган 136 миллат вакиллари аҳиллигини асраб-авайлаш, Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлашди.

Анжуман иштирокчилари Юртбошимиз сўзларидан келиб чиқиб, «Дунё кенг, мамлакат кўп, лекин, Ўзбекистон — битта, Ватан — ягона. Шу азиз Ватан барчамизники! Унинг истиқлолини мустаҳкамлаш, истиқболини таъминлаш — ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик бурчи!» — деган якдил фикрга келдилар.

■ Дилором ОТАХОНОВА

«ЭКОСАН»: ФАОЛ ИШТИРОКДАН – АМАЛИЙ ИШЛАРГА

Шу йилнинг 26 августидан 4 сентябрига қадар Жанубий Африка Республикасида экология масалаларига бағишланган Жаҳон саммити бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Унда «Экосан» халқаро жамғармаси вакиллари ҳам қатнашиб келдилар. Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот конференциясида маҳаллий ва чет эл журналистларига ана шу ҳақда батафсил маълумот берилди. Конференцияда қатор вазирликлар, маҳкама ва жамғармаларнинг раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари иштирок этдилар.

Жаҳон саммитининг мақсади — барқарор ривожланишга эришиш борасидаги ҳукуматлар ва жамоатчиликнинг ҳамкорликдаги ҳаракатига янгича куч бағишлашдан иборат бўлди. Унинг якунида «Йоханнесбург декларацияси» қабул этилди.

Декларацияда давлат ва ҳукумат раҳбарлари ўз зиммаларига барқарор ривожланиш йўлида иқтисодий, ижтимоий ривожланиш, атроф муҳитни маҳаллий, миллий, регионал ва глобал миқёсида муҳофаза қилишни таъминлаш мажбуриятини олдилар. «Экосан» халқаро жамғармаси саммит иштирокчилари диққатига «Рио+10» лойиҳасининг Ўзбекистонда бажарилиши, Марказий Осиёда барқарор ривожланиш ва Орол муаммолари, уларни ҳал этишда ноҳукумат ташкилотларининг иштироки каби мавзуларни қамраб олган ҳужжат ва маърузаларни тақдим этди.

«Экосан» делегациясининг бир неча мамлакатлар турли вазирликлари раҳбарлари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Айниқса, Жаҳон Саломатлик Ташкилоти бош директори Гру Харлем Брутленд хоним билан учрашув фойдали бўлди.

Шунингдек, Саммитда Йоханнесбург ва Кейптаун шаҳарларида «Экосан» жамғармасининг бўлимларини очишга келишилди.

Йоханнесбургдаги учрашувларнинг яна бир натижаси — яқин кунларда Жанубий Африка Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг таклифи билан ўзбекистонлик бир гуруҳ фаол журналистларнинг бу мамлакатга сафари ташкил этилади.

■ Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

РАҚОБАТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ мамлакатимизга истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда. Бундан кўзланган мақсад, истеъмол бозорида ҳалол рақобат муҳитини яратишдан иборат. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси 2002 йилнинг 20 августида «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёр истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотларга сўмларни эркин муомаладаги валютага конвертация қилишнинг устувор ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш механизми бекор қилинди. Шу билан биргаликда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган халқ истеъмол товарлари ва дори-дармонларни импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотлар учун биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани сотиб олишга ваколатли банкларга ҳар чораклик лимитлар 1 октябрдан бошлаб бекор қилинадиган бўлди.

Истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тизимини янада такомиллаштириш, ички истеъмол бозорида рақобат муҳитини яратишга хизмат қилувчи бу қарорнинг аҳамияти беқиёс. Унда 1 октябрдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун республикамиз божхона ҳудудига барча истеъмол товарлар олиб келинишига амалдаги қонун ҳужжатларига биноан мажбурий тартибда мувофиқлик сертификати тақдим этилган тақдирдагина рухсат берилиши белгилаб қўйилди.

Ўз навбатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган барча юридик ва жисмоний шахсларга божхона чегараси орқали истеъмол товарларини олиб келишда божхона тўловлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий тўловлар ва йиғимларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш; олиб келинаётган истеъмол товарларига мувофиқлик сертификатини тақдим этиш; турғун савдо шаҳобчалари орқали чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган солиқларни тўлаш ва нақд савдо тушумини ҳар куни банкларнинг кассаларига мажбурий топшириш қоидаларига қатъий риоя қилиш каби халқаро амалиётда қабул қилинган нормаларга риоя этилган тақдирда истеъмол товарларини республикага импорт қилиш ва уларни сотиш ҳуқуқи берилди.

Шу ўринда бу муҳим ҳаётий қарор муносабати билан юзага келган тартиблар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бу тартиблар шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб амал қила бошлади. Унга мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарлари тузилган шартномалар асосида фақат ўзининг расмий эълон қилинган дистрибьюторларига, шунингдек, назорат-касса машиналаридан мажбурий фойдаланилган тақдирда турғун савдо шаҳобчалари орқали чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга улгуржи сотиладиган бўлди. Импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва уларни улгуржи сотиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар рўйхатдан ўтказиш ва божхона расмийлаштирувида ўзининг расмий дистрибьюторлари рўйхатини тақдим этиши шарт. Улгуржи савдо субъектларининг дистрибьюторлари назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шаҳобчасига эга бўлишлари зарур. Истеъмол товарлари эса қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик ёки жисмоний шахслар томонидан фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш шаклида улгуржи сотилади.

Юридик ва жисмоний шахслар ўзларининг расмий дистрибьюторлари сифатида эълон қилинмаган, шунингдек назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шаҳобчаларига эга бўлмаган жисмоний шахсларга истеъмол товарларини улгуржи сотиши тақиқланади.

Шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб республикамизнинг буюм бозорларида янги тартиб жорий этилди. Яъни, якка тартибдаги тардбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилиб, экспорт-импорт операцияларини, чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларга буюм бозорларида ўз маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи берилди. Бунинг учун улар ўзлари четдан олиб келган товарларнинг мувофиқлик сертификатларини, божхона тўловларини ва қатъий белгиланган солиқни тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим эта олишлари зарур.

Бир сўз билан айтганда, бу муҳим ҳаётий қарор мамлакатимизнинг истеъмол бозорида сотиш тизимини такомиллаштирибгина қолмай, рақобат муҳитини яратишга ҳам йўл очади.

■ Геннадий ДАВЛАТОВ, Тошкент шаҳар Миробод тумани прокурори катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.

ВАТАН ВА МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

БУЮК ИСТЕЪДОД

Президентимиз Фармони билан Истиқлолимизнинг ўн бир йиллиги арафасида мамлакатимиз фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган ва марҳум бўлиб кетган фан ва санъат арбобларидан бир гуруҳи «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Улар орасида барчамиз учун мўътабар, буюк олим ва фозил инсон академик Тошмуҳаммад Қори Ниёзий ҳам бор.

Биз Қори акани севардик, ардоқлардик, бошимиз узра кўтариб юрардик. Бунақа инсонлар дунёга бир келади, чунки у ишлаб чарчамас, тафаккури-фикри ҳамиша уйғоқ, янгиликка интилувчи ижодкор, ўзбекнинг ҳақиқий ўғлони эди.

Унинг ёшларга берган оқилона, оталарча маслаҳатлари, ўгитлари ҳеч ёдимиздан чиқмайди. «Илм — бу, ҳаёт чироғи, китоб — маслаҳатгўйингиз, ўқисангиз дилингиз чироғон бўлур, зеҳнингиз очилур, ақл-идрокингиз пешланур. Илм-фан мақтанчоқликни ёқтирмайди, китоб йиғиш, уни жавонларга тахлаб қўйишда ҳеч қандай маъно йўқ, илмли, маърифатли бўлишга астойдил бел боғлаган киши ҳеч қачон кам бўлмас. Олим бўлдим, катта илмий унвонларга эгаман, деб мақтаниб юриш — жаҳолатнинг бир кўринишидир...» Бу — Қори Ниёзийнинг ёш олимларга берган ўгитлари, панд-насиҳатларидир.

Қори Ниёзийнинг ҳаёт йўли хилма-хил ва мураккаб. Ўзининг «Ҳаёт мактаби» китобида кўрган-кечганларини-ю, азоб-қийинчиликларини холисона ёзиб қолдирган отахон мактаб-техникум, тузем мактаби, банкда бланка тўлдирувчи, судда таржимон бўлиб ишлашдан то физика-математика фанлари доктори, профессор, академик, Ал-Беруний номидаги давлат мукофотининг лауреати, хуллас, икромли буюк олим бўлиб етишди. Чидам, қунт, тинмай ўқиш, меҳнат, камтарлик, одамохунлик билан шундай тенгсиз аллома даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон қадимдан ўзининг буюк, жаҳоншумул алломалари билан дунёга машҳурдир. Унинг бағрида не-не инсонлар камол топмади, дейсиз. Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа олиму фузалоларнинг жаҳон фани тарихида ва маърифат дунёсида абадул-абад ёзилиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас. Биз улар билан фахрланамиз, қайга борсак бошимизни баланд кўтариб, биз Амир Темур наслиданмиз, биз Ибн Сино, Мирзо Улуғбек авлодиданмиз, бизнинг буюк Навоий бобомиз бор, деб баралла айта оламиз.

Қори Ниёзий ўзининг илмий-тадқиқотларида, асарларида ана шу ўлмас меросимиз тарихи, бобокалонларимиз қолдирган илм-маърифат дурдоналарини чуқур ўрганиб, ана шу алломалар ҳақида асарлар битди. Олимнинг шундай машҳур асарларидан бири «Улуғбекнинг мунажжимлик мактаби» китобидир. Бу асар дастлаб собиқ иттифоқ фанлар Академияси нашриётида рус тилида «Астрономическая школа Улугбека» деган ном билан нашр этилганди. Китоб кенг жамоатчилик ўртасида катта шуҳрат ва эътибор топди. Шу ноёб асар учун олим давлат мукофотига сазовор бўлди.

Аллома ўша кезлари «Ўзбекистон овози» газетасида ташкил этилган маънавият, ахлоқ ва одоб кенгашининг жамоатчилик асосидаги раиси эди. Шуниси муҳимки, ана шу кенгашни тузиш ҳақида маслаҳат берган ҳам Қори аканинг ўзи бўлган. Шу сабаб у газета таҳририятига тез-тез келиб турар, ўзи учун ажратиб берилган хонада, шу газетанинг ходимидек ишлаб ўтирарди. Республикамиздаги маълум ва машҳур олимлар, илмий ходимларни газетага жалб этишда, миллий одоб-анъаналаримиз, бой маънавиятимиз ҳақида мақолалар ёзиш муаллифлар танлашда кенгаш раисининг саъй-ҳаракати, ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги беқиёс эди.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, Қори Ниёзий бир куни таҳририятимизга ташриф буюриб, ўша машҳур китобини лутфан тақдим этдилар. Шунда мен китобни варақлаб туриб:

— Қори ака, нега шундай ноёб китобни ўзбек забонида чиқармайсиз, — деб қолдим.

— Чиқармоқчи бўлгандим, лекин...

Уёғини айтмадилар.

«Ўзбекистон» нашриётида ўша кезлари Файзулла Юнусов деган ажойиб бир инсон директор бўлиб ишларди.

— Файзулла ака, менинг ёнимда ҳурматли академигимиз Қори Ниёзий домла ўтирибдилар. Улуғбекнинг мунажжимлик мактаби ҳақида китоблари рус тилида босилиб чиқибди, шу ўзбек тилида нашр этилса, жуда зўр иш бўларди, — дедим, қўнғироқ қилиб.

— Уни ким таржима қилади, жуда мураккаб асар-ку, — деб қолди Файзулла ака.

Мен олимга ноширнинг фикрини айтмоқчи бўлиб турган эдим, Қори ака:

— Керак бўлса ўзим таржима қилиб бераман, — деб қолдилар.

Шундан кейин уч-тўрт ой ичида алломанинг «Улуғбекнинг мунажжимлик мактаби» китоби ўзбек тилида ҳам босилиб чиқди.

Қори Ниёзийнинг бу ноёб асари Улуғбекнинг илмий-маданий ва маърифий меросини ўрганишда бетакрор манба, буюк мунажжимнинг оламга яна ҳам кенгроқ, чуқурроқ таништирган ажойиб китобдир. У асосан беш бобдан иборат: Биринчи бобда Улуғбек Мирзонинг Самарқанд дорулсалтанатида подшоҳлик қилган даврларидаги ижтимоий-сиёсий ва маърифий муҳит ҳақида тўхталган. Иккинчи бобда мунажжимлик мактаби — расадхонаси бунёд этилиши, юлдузлар ҳаракатини ўрганиш бўйича илмий мактабнинг шаклланиши ва камолоти ҳақида. Учинчи боб — Улуғбек кашфиётининг энг асосий қисми бўлган йиллар ҳисоби жадвалининг ишлаб чиқилишига бағишланган. Тўртинчи бобда Мирзо Улуғбекнинг ёвузларча ўлдирилиши, унинг сабаблари ва шу адолатсизликлар билан боғлиқ тафсилотлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Хуллас, алломанинг «Улуғбекнинг мунажжимлик мактаби» асари ўша даврнинг ҳаёти, ижтимоий муҳити ҳамда Улуғбекнинг жаҳон фани тараққиётига қўшган тенгсиз буюк хизматларини, илмий жиҳатдан яққол кўрсатиб ва асослаб берган ўлмас рисоладир.

Биз юқорида тўхталиб ўтганимиздек, Қори Ниёзийнинг касби-кори математик. Ўз касбининг ҳақиқий отахони, жонкуяри. Умри давомида республикамиз олий ўқув юртларида, илмий-текшириш институтида математика кафедраларини бошқарди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг биринчи Президенти ҳам шу олийжаноб инсон эди.

Қори ака олий ва элементар математика бўйича тенгсиз янги тадқиқотлар муаллифи, ўзбек математика терминалогиясининг асосчиси ҳамдир. Унинг тўрт жилдлик «Математика таҳлилининг асосий курси» бир неча йиллар давомида олий ўқув юртларда асосий дарслик сифатида ўқилди, ўрганилди.

Агар сиз отахон устозга математика фани ҳақида сўз очсангиз алломанинг қулфи очилиб кетиб, бу илмнинг моҳияти, аҳамияти ҳақида мароқ билан сўзлаб, ёш авлоднинг зеҳнли, ақлли бўлиб камол топишида риёзат фанининг аҳамияти хусусида ибратли насиҳатлар қилишдан зерикмасди ҳеч.

«Математиканинг энг қимматбаҳо хусусияти шундаки, у кишининг мантиқий муҳокама қобилиятини ўстира боради. Математиканинг жони — тафаккурда, мантиқий муҳокамададир. Ундаги ҳақиқатларни қатъий, кетма-кет мантиқий муҳокама билангина ошкор этиш мумкин», — деб ёзади олим ўз эсдаликларида.

Ҳақиқат кўзи билан қараганимизда Ватанни дунёга танитадиган кишилар унинг буюк олимларидир. Қадимда ҳам шундай эди, ҳозир ҳам. Қори Ниёзийнинг мўътабар номи республикамизда ҳам, чет элларда ҳам маълум ва машҳур. Аллома Ҳиндистон, Япония, Италия, Франция, Польша, Болгария, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда бўлган конференциялар, йиғилишлар, турли учрашувлар, симпозиумларда Ўзбекистонимизнинг муносиб вакили сифатида қатнашган, маърузалар қилган, ўз билимдонлиги, нотиқлиги билан ҳурмат-эътибор қозонган. У жаҳон астрономия жамиятининг аъзоси, Фан тарихи жаҳон академиясининг мухбир аъзоси эди.

Унинг уй хазинасида сақланиб қолган ҳужжатлар, турли мамлакатлардан олим номига келган хатлар, ёзишмалар, газета, журналлар фотосуратларини кўриб алломанинг улуғлигига, жаҳонга таниқлилигига қойил қоласиз.

Қори Ниёзий тенгсиз, комил математик бўлиш билан бирга, фаннинг барча соҳаларидан бохабар, зукко фикрли, тафаккури чуқур олими замон сифатида элга танилганди. Суҳбати ширин ва мароқли, сўзларида мантиқ кучли, сермаъно эди. Агар сиз қайси мавзуда гап бошласангиз, барчасига тўла, қониқарли жавоб олар эдингиз. Баъзан бизга: «агар суҳбатдошингиз нодон бўлса, яхшиси китоб мутолаа айланг» деб қўярдилар ҳазиллашиб.

Республикамизда машҳур бўлган «Ўн уч қалдирғоч» мактабини тузиб, уларни камолга етказган ҳам алломанинг ўзидир.

Ўз Ватанининг содиқ фарзанди, ўзбекнинг ҳақиқий донишманд ўғлони Қори Ниёзийнинг «Ҳаёт мактаби» китобини ўқиб чиқсангиз, бутун бир дорилфунунни тамомлагандек бўласиз. Унинг ўз эл-юрти, киндик қони тўкилган Ўзбекистон диёрига бўлган меҳр-муҳаббатининг чеки йўқ эди.

«Ватан!, қандай азиз, улуғвор, муқаддассен. Ҳаётимнинг боиси, қувватимнинг манбаи, ижодимнинг илҳомисен. Жонажон, меҳрибон Онамсен. Кўзимнинг қорасисен. Нури-дийдамсен»...

Ушбу меҳрли сатрлар «Ҳаёт мактаби» китобининг сўнггидаги битилган алломанинг юрак ўтларидир...

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, мана шу эсдалик китоблари босилиб чиққанда унинг бир нусхасини эҳтиром-ҳурмат билан тақдим этганларини эслайман. Китобга битилган дасхатда бундай деб ёзилган: **«Ушбу китобимни Сизга беҳад икром ва эътиқод билан тақдим этурман, уни жавонингизда сақлаб қўюрсиз, гоҳо-гоҳо назар ташлаганингизда каминани ёд этурсиз**

Қори НИЁЗИЙ,
11 апрель 1966»

Бу камина учун ноёб эсдалик. Баъзан бирор мақола ёки эсдаликлар ёзмоқчи бўлсам «Устоз билан бир маслаҳатлашиб олай», деб ўша муборак дасхат ёзилган китобни қўлга олганимда Қори аканинг ёзувларига кўзим тушади... Аллома билан ҳамсуҳбат бўлган кунлар ёдимга тушади. Қори аканинг самимий кулишлари, донишманд сўзлари, шитоб билан юришларини энтикиб эслайман. Илоҳо, руҳи-равонингиз шод бўлсин, Аллоҳ даргоҳида қабул айласин сизни, Қори ака.

■ **Мақсуд ҚОРИЕВ**

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ: АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

МОЗИЙ САБОҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

1864 йил 4 июнда Авлиёота (ҳозирги Жамбул), 22 сентябрда Чимкент, 1865 йил 17 майда эса Тошкент Чор Россияси қўшинлари томонидан эгалланади.

Шу тариқа қонли истило ўлка ичкарисига қараб силжиб бораверади. 1866 йил 24 майда Хўжанд, 18 октябрда Жиззах, 1868 йил 2 май куни Самарқанд, 1870 йил 13-14 августда Китоб, 1873 йил майиюнь ойларида Хива ишғол этилади. 1876 йилда Кауфман қўшинлари Қўқонни забт этади. Қўқон хонлиги тугатилиб, у Фарғона вилояти сифатида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилади. Шундай қилиб, ўлкамиз узоқ йиллар давомида Чор Россияси, кейинчалик советлар истибдоди чангалида қолади.

Бугунги кунда Амир Темур даврида эришилган миллий давлатчилигимиз ютуқларидан қанчалик фахрлансак, Соҳибқирон бунёд этган буюк салтанат парчаланиб кетганидан сўнг ўлкамиз тарихида «бўлинганни бўри ер» қабилидаги ачинарли вазият юзага келганини шунчалик афсус-надомат билан танқид ва таҳлил этишга мажбурмиз.

Хонликлару амирликлар ўртасидаги ноаҳиллик, ички келишмовчиликлар ва ташқи низолар, тараққиётнинг барча соҳаларида юзага келган қолоқлик, денгиз йўлларининг ривожланиши натижасида юртимиз бўйлаб ўтувчи Буюк ипак йўлида савдо карвонлари қатнови кескин камайиб кетиши, дунё билан савдо-иқтисодий ва маданий-маърифий алоқаларнинг заифлашиши, жаҳон цивилизациясидан четлашиш юртимиз тараққиётини кўп йилларга ортга суриб юборди. Бунинг оқибатида эса ўлканинг тез ва осон истило этилишига имкон яратилди. Минтақамиз истило домига тушишининг энг асосий объектив сабаблари ана шулардан иборат.

Бунинг субъектив сабаблари ҳам бор. Советлар замонида давлат ва жамият ривожида шахснинг ҳеч қандай ўрин тутмаслигига бизни қанчалик ишонтиришга уринишмасин, мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов фаолияти тимсолида бағрикенг йўлбошчи, оқил ва прагматик сиёсатчи, нуфузли ва қатъиятли раҳбар, бир сўз билан айтганда, кучли шахс эл-юрт тараққиётида нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканига бевосита гувоҳ бўлиб турибмиз.

Айтмоқчимизки, Амир Темур давридан халқимиз ўзининг асл фарзанди Ислом Каримов раҳнамолигида буюк неъмат — Мустақилликни қўлга киритгунга қадар бўлган бир неча асрлик муддат давомида Ватан тақдири, халқ фаровонлиги, истиқлол ва келажак учун сидқидилдан қайғурадиган, халқ, миллат бирлиги, эрк ва озодлик йўлида фидокорона кураша оладиган жонкуяр йирик шахс юрт тепасига келмади. Бунинг оқибатида эса ўлкамиз асрлар мобайнида мустамлакачилик асорати остида қолди. Муқаддас заминимиз оёқости бўлди.

— Мустамлакачилик жабр-зулмига қарши халқнинг, шу заминда истиқомат қилган аждодларимизнинг муносабати қандай бўлган?

— Тарихдан маълумки, халқ узлуксиз истибдод зуғумига кўникиб яшай олмайди. Бунга турли даврлардаги миллий озодлик ҳаракатларини мисол келтириш мумкин. Зулм ва зўравонликка қарши ғалаёнлар, мустақиллик йўлидаги курашлар деярли тинмаганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Юртбошимизнинг шахсан ташаббуси билан Қатағон қурбонларини ёд этиш куни Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида бунёд этилган Қатағон қурбонлари хотираси музейида бу тарихий воқеалар, мустамлакачилик даврида аждодларимиз бошдан кечирган даҳшатли жабру ситамлар, қатағонлар, зулмга қарши халқ қўзғолонлари тарихидан шаҳодат берувчи кўплаб экспонатлар мавжуд.

Олис ва яқин мозийга бориб тақаладиган фавқулодда қайғули даврлар — чет эл босқинчилари томонидан ўлкани мустамлакага айлантириш, Чор Россияси зулми ва Октябрь тўнтаришидан кейинги зўравонликларга қарши миллий озодлик ҳаракатлари, жадидлар фаолияти, Туркистон Мухториятининг ташкил этилиши ва барҳам топиши билан боғлиқ воқеалар, даҳшатли Сталин даври, шунингдек, ўтган аср 80-йилларида «ўзбеклар иши», «пахта иши» номи билан амалга оширилган советлар қатағонларига оид турли ҳужжатлар, фотосуратлар, мактублар, жабрдийда ватандошларимизнинг шахсий буюмларидан иборат далилий ашёлар шулар жумласидандир.

Мамлакатнинг бир неча юз йиллик тарихини ўзида жамлаган ушбу музей ҳақли равишда халқимиз ўтмишининг ўзига хос кўзгусидир. Бу ердаги барча тарихий далил ва ашёлар ўша даврларнинг мураккаб воқеа-ҳодисаларини одамларга илож борича тушунарли ва ишонарли тарзда етказишга хизмат қилади. Ғоятда қисқа даврда барпо этилган ушбу қутлуғ қадамжонинг узоқ тарихимизга дахлдор экспонатлари махсус концепция асосида турли даврлар бўйича жойлаштирилгани мақсадга мувофиқ эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўлкамизнинг большевиклар томонидан талон-торож этилишидан ҳикоя қилувчи фотолавҳалар, Қўқон харобаларининг тасвири, ўн минглаб бегуноҳ кишиларнинг маҳв этилиш жараёни ўз аксини топган тарихий суратлар музей зиёратчиларини бефарқ қолдирмайди.

30-40-йиллар, хусусан, 60 минг ҳеч бир айбсиз деҳқонни домига тортган «қулоқлаштириш» даври фожиалари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли лавҳаларда бутун бошли оилаларни олис ўлкаларга сургун қилиниш фожиаси тасвирланган бўлса, 30-50-йиллардаги қатағон қурбонлари — Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий каби юзлаб машҳур кишилар, шунингдек, минг-минглаб оддий ишчи ва хизматчи ватандошларимиз вакилларининг суратлари, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид ҳужжатлар, бошқа тарихий ашёлар ўша замонлар даҳшатини яққол кўрсатиб турибди.

Музейда мустабид тузум ва коммунистик мафкура ўзини «ўзбек иши» ташаббускори сифатида намоён этган ва халқимизга туҳматдан иборат оғир айб қўйган XX асрнинг саксонинчи йиллари воқеалари тарихини тасвирлашга алоҳида аҳамият берилган. Бу ерда, жумладан, 25 минг нафардан зиёд ҳамюртимизнинг асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилганидан гувоҳлик берувчи ҳужжатлар, статистик материаллар мавжуд. Мазкур ҳужжатлардан ўша йилларда учмингдан ортиқ ҳамюртимиз бесабаб турли жазоларга ҳукм этиб юборилганини билиб олиш мумкин.

Ҳатто 90-йилларнинг бошида Фарғона, Бўка ва Паркент, Ўш ва Ўзган воқеалари баҳонасида халқимиз бошига навбатдаги бало-қазоларни ёғдиришга интилишлар бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Яхшиямки, Ислом Каримовнинг қатъияти ва оқилона сиёсати натижасида бундай манфур ниятларнинг пайи туб-тубидан қирқилди.

— Халқимиз, миллатимиз бошидан кечган шафқатсиз қатағонларнинг асл сабаб ва оқибатлари ҳақида гап борар экан, бундай мусибатларга тўла тарихимиздан қандай хулоса ва сабоқлар чиқариш мумкин?

— Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида юқорида зикр этилган воқеаларга, шунингдек, 1991 йил декабрида Наманганда диний экстремистлар томонидан конституцион тузумга қарши тажовуз, ўша йилнинг октябрида эса партия-совет номенклатураси Марказ кўрсатмалари асосида ташкиллаштирган, Олий Совет еттинчи сессиясида Президентни ағдаришга бўлган уринишлар, 1992 йилнинг 16 январида Талабалар шаҳарчасида ёшларни чалғитиш йўли билан уюштирилган тартибсизликлар, 1999 йил февраль фожиалари ва шунга ўхшаш бошқа хатти-ҳаракатларга холис баҳо берди.

Буларнинг барчаси аввалambор халқимизнинг ҳамжиҳатлигини бузиш, эркинлик ва озодлик йўлидаги интилишларимизга зарба беришга қаратилганлиги алоҳида таъкидланди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳам олис, ҳам яқин тарихимиз тажрибасидан чиқаришимиз керак бўлган сабоқ шуки, Юртбошимиз уқтирганидек, бугунги авлод тарқоқлик ва ўзаро низолар қандай аянчли оқибатларга олиб келишини доимо ҳис этиб турсин.

Яна бир муҳим сабоқ — истиқлол нашидасидан баҳра олаётган ҳамюртларимиз, айниқса, ёшларимиз халқимизнинг бугунги саодатли кунларга эришиши осон кечмаганлигини, шундай экан, аждодлар ёдини доимо қутлуғ билиб, шаҳидлар хотирасини мудом эъзозлаб яшаш баробарида, Ватанимиз мустақиллигининг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ва ҳимоя қилиш муқаддас бурч эканини теран англамоғи лозим. Зеро, неча минг йиллик тарихимиз сабоқлари, истиқлол йилларидаги бунёдкорликларимиз тажрибаси барчамизни шунга даъват этмоқда.

■ **Ғулом МИРЗО суҳбатлашди**

НЬЮ-ЙОРК ЯНАДА ГЎЗАЛЛАШАДИ

Нью-Йорк шаҳар ҳокимияти Манхеттеннинг ўта фаолиятли қисмида катта транспорт терминалини барпо этишни кўзда тутувчи йирик лойиҳага маблағ ажратилганлигини эълон қилди. Унга кўра Жаҳон савдо маркази ҳудудида қулаган бинолар ўрнида бир неча поезд йўллари, ўн тўрт метро йўли, паром билан кечиб ўтиш жойи ва автовокзални бир тизимга бирлаштирувчи катта станция қурилиши мўлжалланган.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ барча ишларни бажариш учун 3-5 йил талаб этилади.

Маълумки, АҚШ ҳукумати 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Нью-Йоркнинг қўпорувчилик ҳаракатидан зарар кўрган ҳудудини қайта тиклаш ишларига 21.4 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратган. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича федерал бошқарма эса мазкур янги лойиҳани амалга ошириш учун 4.5 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратишга розилик берди.

■ **Баҳодир МАМАЖОНОВ,**
«Жаҳон»АА.
Нью-Йорк

ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КЎРИЛДИ

АҚШда содир этилган даҳшатли террорчилик тажовузининг бир йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан Президент Жорж Буш буйруғига кўра, бутун Америкада хавфсизлик чоралари кўрилди. Вашингтон атрофидаги қатор харбий базалар ҳаво ҳужумига қарши ҳаракатга шай қилиб қўйилди. «Стингер» ракеталари доирасидаги «Мститель» («Қасоскор») мажмуалари жанговор ҳолатда туришди.

БИН ЛОДИН ФОЖИАДАН МАМНУН БЎЛГАНДИ

Ўтган йилнинг 11 сентябрь куни Усама Бин Лодин намоз вақтида ҳам радиодан янгиликларни эшитиш учун бош кўтариб турганди. Бу ҳақда Америка махсус хизмати вакилларига ҳибсга олинган «Ал-Қаида» гуруҳининг икки жангчиси айтиб берди. Улар Нью-Йорк ва Вашингтонда юз берган террорчилик ҳаракати пайтида Бин Лодиннинг ёнида эдилар. Уларнинг сўзларига кўра ҳужум ҳақидаги ҳар бир хабардан сўнг Бин Лодин «Оллоҳу Акбар» деб хитоб қилиб, яқин келажакда яна бир портлаш юз беришини таъкидлаган эди.



РАЗВЕДКАЧИЛАР БОШЛИҒИ ЎЗГАРДИ

Исроил Бош вазири Ариэль Шарон истеъфодаги генерал-майор Меир Даганни «Моссад» разведка хизматининг янги бошлиғи этиб тайинлади. Унинг ўтмишдоши Эфраим Халеви бу лавозимга 1998 йилда тайинланган эди. Энди у Исроил миллий хавфсизлиги кенгашининг раиси вазифасини эгаллади. Даган аввалари армияда турли лавозимларда ишлаб келган. 1997 йилда эса Бинямин Нетаняху ҳукумати даврида террорчиликка қарши кураш бўлимини бошқарган эди.

ХАМАС ТУГАТИЛДИ

Исроил махсус хизмати вакилларининг айтишига кўра, Хамас гуруҳининг Ғазо секторидаги террорчилик тармоғи бутунлай тугатилди. Исроил айғоқчиларининг хабарларига кўра, Фаластин давлати ҳудудидаги «Ҳимоя девори» операцияси амалга оширилгандан буён Ғазо секторидаги Хамас вакилларининг 98 фоизи ё ўлдирилган ёки ҳибсга олинган.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ЎСМОҚДА

Токиодаги учрашувда сўзга чиққан халқаро валюта жамғармаси йўриқчи директори Хорст Келер 2001 йил 11-сентябрь куни АҚШда юз берган террорчилик ҳаракати оқибатларига қарамай жаҳон иқтисодиёти тобора ўсиб бораётганини таъкидлади. Унинг айтишича, гарчи АҚШ ва Европа иттифоқида ўсиш суръатлари бироз пасайган бўлса-да, жаҳон иқтисодиётини соғломлаштириш давом этаётир.

ҒОЛИБНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ ҚИЙИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Евгений Кафельников — Россия

Кафельников ўз интервьюсида «Дэвис кубоги» баҳсларидан сўнг теннисдаги фаолиятини якунлаш нияти борлигини билдирди. Эслатиб ўтамиз, бу спортчи турли халқаро мусобақаларнинг 24 марта яккалик ва яна шунча жуфтлик баҳсларида зафар қўлган. Евгений Кафельниковнинг мазкур турниргача қўлга киритган умумий мукофот жамғармаси 22.206.125 АҚШ долларини ташкил этади.

Турнирнинг иккинчи ракеткачиси Томми Ҳаас (Германия) дастлабки учрашувда 1992 йилги Барселона олимпиадаси чемпиони, «Президент кубоги»нинг доимий иштирокчиси Марк Россе (Швейцария) билан рўбарў келди. Мутахассислар томонидан мусобақанинг бўлажак финалчиси, дея тахмин қилинаётган умидли теннисчи Томми кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритди — 4/6, 7/6(3), 6/3.

Мусобақанинг биринчи ракеткачиси, турнирнинг икки карра ғолиби Марат Сафин илк босқични осонгина ўз фойдасига ҳал қилди. Марат асосий турга саралаш ўйинларидан йўлланма олган Григорий Сарраз (Франция)ни 6/2, 6/4 ҳисобларида мағлубиятга учратди.

Афсуски, юртимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Олег Огородов ўйинлардан чиқиб кетди. У илк учрашувдаёқ Владимир Волтчков (Белоруссия)га ютқазиб қўйди — 2/6, 2/6. Иккинчи ракеткачимиз Вадим Куценко эса дастлабки даврани муваффақиятли якунлади. Вадим исроиллик рақиби Ноам Окунни доғда қолдирди — 6/2, 3/6, 7/5. Энди вакилимиз Иван Любичич (Хорватия)га қарши кортга чиқади.

«Президент кубоги — 2002»нинг жуфтлик баҳсларида ҳам вакилларимизнинг омади чопмаяпти. Фақатгина Вадим Куценко/Томас Кетола(Ўзбекистон — Финляндия) жуфлигигина дастлабки учрашувни ғалаба билан тугатди. Улар Д.Мазур/Н.Давиденко (Ўзбекистон — Россия)ларни ютишди — 4/6, 6/3, 6/2. **Қолган натижалар билан танишинг: Веркерк/Р.Слюйтер(Нидерландия)— С.Икромов/Ғ.Эшматов(Ўзбекистон) — 6/1, 6/1, К.Бек/В.Волтчков(Словакия — Белоруссия) — К.Иванов-Смоленский/Д.Томашевич(Россия — Ўзбекистон) — 6/1, 7/6(3).**

Ҳа, турнир учрашувлари тобора қизғин тус олмоқда. Биз мусобақа қатнашчиларининг таассуротлари билан қизиқдик.

Томми ҲААС (Германия): — «Президент кубоги» халқаро турнирида илк маротаба қатнашаяпман. Дастлабки учрашувлардан сўнг шуни ҳис этдимки, АТП таснифида теннисчилар қандай мавқени эгаллашларидан қатъи назар, Тошкентга фақат кучлилар таширриф буюрибди. Шу боис, бош соврин кимга насиб этишини аввалдан башорат этиш қийин.

Томас КЕТОЛА (Финляндия): — Бу серқуёш ўлка мени ўзига ром этган. Шу боис, «Президент кубоги» халқаро турниридан ташқари, Ўзбекистонда ўтадиган «Челленжер», «Фьючерс» мусобақаларида ҳам мунтазам қатнашиб келаман. Ҳатто, «Фьючерс» халқаро турнирида бош совринни қўлга киритганман. Юксак орзуларимдан бири «Президент кубоги»да ҳам муносиб натижага эришиш. Афсуски, бу ниятим шахсий биринчиликда яна бир йилга кечикди. Саралаш баҳсларини муваффақиятли ўтказиб, асосий турнинг биринчи учрашувида россиялик Андрей Столяровга ютқазиб қўйдим — 6/2, 6/7(2), 2/6. Бундан хафа эмасман. Энди омадимни жуфтлик баҳсларида синаб кўраман. Кеча кечқурун қуйидаги учрашувлар бўлиб ўтди: Кафельников — Кеннет Карлсон (Дания) 3/6, 6/4, 6/4. Давид Сангуннетти (Италия) — Андрей Столяров (Россия) 6/3, 6/3. Кристиан Плесе (Дания) — Ларс Бургшмюллер (Германия) 6/4, 7/5. Парадорн Фричапан (Таиланд) — Харел Левий (Исроил) 6/3, 6/4.

■ **Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» ХАЛҚАРО ТУРНИРИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

1. Чак АДАМС (АҚШ) — 1994 йил
2. Карим АЛАМИ (Марокаш) — 1995 йил
3. Феликс МАНТИЙЯ (Испания) — 1996 йил
4. Тим ХЕНМАН (Буюк Британия) — 1997-1998 йиллар
5. Николас КИФЕР (Германия) — 1999 йил
6. Марат САФИН (Россия) — 2000-2001 йиллар

Томми Ҳаас — Германия

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

«МУЛОҚОТ» САҲИФАЛАРИДА

Журналнинг сентябрь — октябрь ойи сонининг «Муҳаррир минбари» рукнидаги илк мақоласи Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги байрами муносабати билан эришган бугунги маънавий ва моддий ютуқларимиз тўғрисидаги фахриядир. Таниқли файласуф олим А. Жалолов «Партиявий демократия: сабоқлар ва истиқболлар» мақоласида замонавий ўзгаришлардаги партияларнинг роли хусусида мушоҳада юритади.

Журналнинг бу сонида иқтисод соҳасидаги муаммоларни ёритган мақолалар кўпчиликни ташкил этади. Бундай мақолаларни Тошкент молия институти ректори, академик М.Шарифхўжаев «Тоталитар иқтисодиётдан бозор иқтисодиёти сари» чиқиши билан бошлаб берган. Ушбу сонда журналхонлар иқтисодиётчи олимлардан М.Мирсаидовнинг «Истиқлол берган қудрат», А.Иминохуновнинг «Молиявий имкониятлар ва давр талаби», Ф.Бобошевнинг «Беқиёс омил», Ш.Абдуллаева ва Д.Шариповнинг «Миллий валюта конвертацияси», Ё.Абдуллаев ва О.Кенжабоевнинг «Ахборотлашган жамият», Ш.Шоҳаъзамийнинг «Қимматли қоғозлар солиғи», Б. Мўйдиновнинг «Рақобат — бозорнинг асосий шарти», А. Хўжамуродовнинг «Лизинг хизматларининг шарофати» сингари мақолалари билан танишасиз.

Бошқарувнинг маҳалла услуби ўзининг бетакрор ва амалий жиҳатдан қулайлиги билан бугунги кунда кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Тарихчи олим Қ.Усмонов ўзининг «Маҳалла — фуқаролик жамиятининг негизи» мақоласида жамиятни демократиялаш, ижтимоий адолатни рўёбга чиқаришдаги маҳалланинг роли тўғрисида фикр юритади.

Инсон қобилияти ва истеъдоди тўғрисидаги имкониятлар билан қизиққан журналхонлар Т. Султоновнинг «Уммон тубидаги дур» мақоласидан қизиқарли маълумотларни олишлари мумкин.

Тадқиқотчи Ф.Муҳиддинов «Судларда тортишув тамойили» мақоласида ҳуқуқий муносабатлар ва демократия тўғрисида баҳс юритса, Б. Каримов «Табиат ва жамият муносабатлари» мақоласида давримизнинг ғоят долзарб муаммоларидан бири ҳисобланган экология тўғрисида, табиатнинг инсон томонидан тасарруф этилиши борасида муҳим мулоҳазаларни ўртага ташлайди.

1937 йилги Голландиянинг Гаага шаҳрида қиёсий қонуншунослик бўйича бўлиб ўтган халқаро конференция баённомасида «Ислом қонунчилиги тирик-барҳаёт ва тараққиётга мос келадиган тизим деб қабул қилинсин» деган сўзлар бор. Таниқли олим Абдулҳаким Шаръи Жузжонийнинг «Ижтиҳод ва ҳуқуқий тафаккур» мақоласида шаръий ҳуқуқларнинг адолат доираси қанчалик кенг эканлиги тўғрисида фикр юритилади.

Журналнинг бу сонида шеърият ихлосмандлари Йўлдош Сулаймон, Носир Муҳаммад, Ихтиёр Ризо ва Абдираҳим Пратовнинг янги шеърлари билан танишадилар.

■ **Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ**

СПАРТАКИАДА ЯКУНЛАНДИ

Халқ таълими вазирлиги ҳамда касаба уюшмалари тармоқ марказий қўмитаси ташаббуси билан кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухорода Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимларининг III спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар терма жамоалари спортнинг шоҳмот, шашка, теннис, мини футбол турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

200га яқин спортчи иштирок этган спартакиадада Бухоро вилояти терма жамоасига биринчи ўрин насиб этди. Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти спортчилари эса иккинчи ҳамда учинчи ўринларни бўлиб олишди. Спартакиада ғолиблари Халқ таълими вазирлиги ва таълим, фан ходимлари касаба уюшмалари республика марказий қўмитаси томонидан тақдирландилар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ЎЗБЕКТЕАТР» ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси қошида иқтидорли ёшларни қувватлаш ва уларни бирлаштириш мақсадида «Ёш артист» ижодкор ёшлар театр маркази ташкил этилди. Марказга 30 ёшгача бўлган барча жанрдаги профессионал актёрлар, режиссёрлар, драматурглар, театршунослар, санъат журналистлари, театр рассомлари, балетмейстерлар, хормейстерлар, бастакорлар ва олий ўқув юртларининг иқтидорли талабалари ҳам таклиф этилади. «Ёш артист» ижодкор ёшлар театр марказининг олдига қўйган мақсади — ёшлар орасидан ҳали очилмаган истеъдодларнинг ижодий қирраларини топиш, театрни долзарб мавзудаги асарлар билан бойитиш ва бу асарларга оммани жалб этишдан иборат.

Бугунги кунда «Ўзбектеатр» бирлашмаси ижодий жамоаси ёш ижодкорлар билан биргаликда «Арткарнавал» (театр ижодкорлари кечаси)га қизғин тайёргарлик кўрмоқда. «Арткарнавал»га шаҳримиздаги театр ва театр-студиялари ижодкорлари ўзларининг ижод намуналари билан ташриф буюрадилар. Улар кечада бир-бирлари билан ижодий мулоқотда бўладилар, таассуротлари билан ўртоқлашадилар ва келажак режалари ҳақида фикрлашадилар.

Кеча ижодкорлари Қарияларни қадрлаш йилига муносиб совға сифатида халқ олқишига сазовор бўлган кекса санъаткорларни ҳам таклиф қилишган.

■ **Гулзода МАҲМУДЖОНОВА, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти 2-курс талабаси**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 871
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

МУЛОҲАЗА

ОМОНГУЛНИНГ ЁРИ...КИМ?

ЁХУД ҚЎШИҚ АЙТИШДА МЕЪЁРНИ УНУТГАН ХОНАНДАЛАР ҲАҚИДА

Ориятли халқмиз. Аслида андишанинг оти — бизнинг ор-номусимиз. Бировнинг айбини дарҳол юзига айтишдан ўзни тийишимиз.

Ориятли халқмиз. Бизнинг ошкоралигимиз аслида бўсағадан нарига ўтмайди. «Ичкари» бизнинг ибомизнинг қобиғи.

Шу боис, баъзида «чегаралар» бузилса хижил тортамиз, ҳатто ўзимиздан-ўзимиз уялиб юрамиз. Ойнаи жаҳон сериалида малласоч хоним хушторини бағрига тортса... ёнимиздаги томошабин болалардан уялиб ерга боқамиз, юзимиз қизарганини сездирмаслик ҳаракатини қиламиз. Экрандагилар ҳаддидан ошишса... телевизор мурватини бошқа каналга бурамиз ёки яхшиси ўчириб қўя қоламиз.

Яқинда бир дўстимизникида телевизор кўриб ўтиргандик. Кино эмас, қўшиқ эшитаяпмиз. Китоб шаҳрида бўлиб ўтган фольклор жамоаларининг VI анъанавий кўрик-танлови якунини беришаётганди. Уй эгаси — санъатга ошно оғайнимиз тадбиркор Бахтиёр Шерматов қўшиқ қуйлаётган аёл борасида қизиқ фикр айтиб қолди: «Аёл киши айтса ярашмас экан. Одамга эриш туюлади...»

Қўшиқ матнига эътибор қаратдик. «Омонгул-о, Омонгул ёринг бўлай Омонгул» деб қадим халқ қўшиғини куйларди аёл. Бу ёқда эса «Омонгул» деганимиз раққоса хиром қилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам эриш туюларкан. Аёл киши аёл кишига «ёринг бўлай» деб илтижо қилиб турса-я...

«Буниси ҳали ҳолва, — дейди дўстимиз жиғибийрон бўлиб. — Яқинда бир қўшиқ эшитдим. Таниқли бир хонанда аёл севги ҳақида куйлаяпти. Аслида қўшиқ матни эркак қўшиқчиларга мослаб ёзилган экан. Чунки унда «Кўксингга бошимни қўяй жоним» деган сатрлар бор эди. Аёл эса шу сўзларни баралла айтаяпти-ю, бу ёқда рақоса хиром қилиб рақс тушмоқда. Роса кулгули ва уятли бўлди!»

Кўпгина бошловчи санъаткорлар қўшиқ танлашда ана шундай шошмашошарликка йўл қўйиб, кулгили ҳолга тушиб қолаётгани, енгил-елпи оҳанглар ортидан кетиб қолаётгани чиндан ҳам ачинарли. Эътибор беринг, олтмишдан ҳатлаган таниқли хонанда бор овози билан «ўн саккиз яшар жонон»га илтижолар билан нолалар қилиб турса. Бу ёқда ўғиллар, қизлар оила боши бўлишган, неваралар бўй тортиб қолишган... у эса ҳамон «ишқ савдойиси» — ҳамон ўн саккиз яшар жонон ишқида. Эриш туюлмайдими? Туюлади.

Сўнгги пайтларда қўшиқ мазмунига мос ва хос (ҳамма вақт шундай бўлса кошкийди!) клип деган нарса роса русум бўлди. Клиплар кўпинча мазмун эмас, хонандани ташвиқ қилувчи воситага айланмоқда. Аксар клипларда шу ҳол — яп-янги русумдаги машинада кезишлар, уяли телефонда гаплашишлар, ҳатто қайсидир бир хориждаги машҳур обидалар пойида суратга тушишлар... акс этади. Бу нима қўшиқми ёки реклама?

Бўлмаса Миср эҳромлари ёнида туриб севги ҳақида қуйлаш шартми? Ҳарқалай биз Майкл Жексон бўла олмаймиз? Шоншуҳратда унга етишишимиз, ундан ўзишимиз мумкиндир.

Шунақа гаплар. Айтмоқчи бўлганимиз барчани бир қолипга солиш, маълум чегаралар белгилаш эмас, бор-йўғи орият ҳақида, шарқона ибо тўғрисида бир чимдим фикр билдирмоқдир.

■ **Рўзимбой ҲАСАН, журналист**

«ЗАРМЕТАН»ДА ШИФОХОНА

Қизилтепа туманида яна бир қишлоқ врачлик пункти ишга тушди. «Зарметан» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган бу шифохона бир йўла 50 нафар беморга замонавий тиббий хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Характерли жиҳати — бу тиббий маскандаги ҳамма асбоб-ускуналар хорижда ишлаб чиқарилган бўлиб, улар бугуннинг талабига тўла жавоб беради. Врачлик пункти қариялар, аёллар ва болалар бўлимларига эга. Янги иншоот боис ўнлаб зарметанликлар ишлик бўлишди.

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан 2001 йил 2 мартда Тўлаганова Арзу номига савдо фаолияти билан шуғулланиш учун берилган № 1014795 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎзФА И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти 2-ТОШМИ профессори, фалсафа фанлари доктори

Баҳром ИСМОИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

УЙҚУСИЗ ЎТГАН ТЎРТ КУН

ЁКИ ҚИДИРУВНИ ЎЗ ИШИНИНГ УСТАЛАРИ ОЛИБ БОРДИ, ВА...

Бир инсонни ўз уйида ухлаб ётган жойида отиб кетишди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг маҳоратлари туфайли қотилларни топишга тўрт кун кифоя бўлди.

Ёзнинг сўнгги кунларида Деновда содир этилган бу даҳшатли қотиллик бир зумда шов-шувга айланди. Узоқ йиллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида меҳнат қилиб, нафақага чиққан Ҳасанжон Маъруповни кўпчилик яхши танирди. У хушмуомала одам эди. Хўш, уни ким, нега отдийкин? Кимнингдир шахсий адовати бўлганми? Ёки буюртмамикин? Туман ички ишлар бўлими ва прокуратура ходимлари ана шу саволларга зудлик билан жавоб топишлари зарур эди. Миш-мишлар калава ипидек тобора чўзилиб, чигаллашиб бораверди.

... — 22 августдан 23 августга ўтар кечаси соат 1.20 ларда шаҳарнинг Гулистон кўчаси, 59-уйда яшовчи Зулхумор Маърупова бўлим навбатчисига қўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғи Ҳасанжон Маъруповни номаълум шахслар ўлдириб кетганлиги ҳақида хабар берган, — дейди туман Ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Эркин Муродов. — Ходимларимиз зудлик билан воқеа жойига етиб бориб, жиноятчилар изига тушишди.

— Ҳасанжон Маъруповни ухлаб ётган ўрнида отишган экан, — давом этди уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг катта тезкор вакили Номоз Қурбонов. — Унинг кўкрак қисмидан кирган ўқ орқа умуртқа поғонасида қолиб кетган эди. Кузатув-текширув ишларини бошладик. Ҳовли-жойни кўздан кечирдик. Марҳум кароватидан уч-тўрт метрлар узоқда автомат ўқининг «гилза»си ва елим идиш топилди. Идиш тутундан моғор босган ва остки қисми кўчган экан. Жиноят ишини амалга ошириш анча пухта ўйланган. Қурол овозини чиқармаслик учун қотиллар елим идишдан фойдаланишган. Уйдаги жиҳоз ва буюмларга қўл урмай, бир зумда ғойиб бўлишлари эса ишни янада чигаллаштирди.

— Фурсатни қўлдан бой бермай, зудлик билан қидирув ва суриштирув ишларини бошладик, — дейди тезкор вакил Асқаржон Чориев. — Туман ва вилоят прокуратураси, Ички ишлар бошқармасидаги ҳамкасбларимиз ёрдамга келишди. Постлар қаттиқ назоратга олинди. Шубҳали шахс ва муқаддам судланганлар билан суҳбатлашдик. Вақт жиноятчилар фойдасига ҳал бўлаётган эди. Излар босилмаслигига, яна қотиллик содир бўлмаслигига ҳеч ким кафолат беролмасди. Турли шубҳа ва гумонлар гирдобида қолгандик. Қай вазиятда бўлмасин, қотилларни топиш бурчимиз эканлигини қалбдан ҳис қилдик. Ҳар бир лаҳза қимматли эди.

...Орадан тўрт кун ўтди. Уйқусиз, ҳаловатсиз кунлар. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ҳамкорликдаги тезкор ҳаракатлари зое кетмади. Жиноятчилар аниқланиб, ҳибсга олинди. Дастлабки терговда Олим Маҳмарасулов, Жўра Қўчқоровлар жиноят қандай содир этиганини гапириб беришди. Жиноят иши бўйича айбланувчи Олим Маҳмарасуловнинг уйидан «АКМ-С», «Калашников» ўқотар қуроли ва 52 дона ўқ жойлаштирилган иккита ўқдон далилий ашё сифатида олинди...

Жиноятга жазо муқаррар! Қотиллар қонун олдида жавоб берадилар, албатта. Тергов ва суд жараёнида жиноят сабаби, тафсилоти аниқланади. Бунга шубҳа йўқ! Фақат шу ўринда баъзи савол ва мулоҳазаларни айтиб ўтишни лозим топдик. Аввало, ушбу мудҳиш жиноят нега содир этилди? Айбланувчи Олим Маҳмарасуловнинг уйига автомат, ўқ ва ўқдонлар қаердан келиб қолди? Қотилликни содир этганлар ким ўзи? Шу туманнинг одамлари. Энди кучқувватга тўлган йигитлар. Улар қандай қилиб бу мудҳиш жиноятга — қотилликка қўл уришди?.. Қандай оилада тарбияланган улар?

Саволлар, сўнгсиз ва жавобсиз мулоҳазалар... Таҳририят мавзуга яна қайтади.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Газетанинг навбатдаги сони 17 сентябрь, сешанба куни чиқади